

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

КАДИРОВ РУСТАМ НАДИРОВИЧ

**ЖИГАР ЦИРРОЗИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ГАСТРОЭЗОФАГЕАЛ ҚОН КЕТИШЛАРИНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Medical Science (DSc)

Кадилов Рустам Надилович

Жигар циррози билан хасталанган бемлорларда гастроэзофагеал
кон кетишларининг профилактикаси ва даволаш
тактикасини оптималлаштириш.....3

Кадилов Рустам Надилович

Оптимизация лечебной тактики и профилактики
гастроэзофагеальных кровотечений у больных
циррозом печени.....27

Kadirov Rustam Nadirovich

Optimization of treatment tactics and prevention of gastroesophageal
bleeding in patients with liver cirrhosis.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works55

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

КАДИРОВ РУСТАМ НАДИРОВИЧ

**ЖИГАР ЦИРРОЗИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ГАСТРОЭЗОФАГЕАЛ ҚОН КЕТИШЛАРИНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/tib1603 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.emerg-centre.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Хаджибаев Фарход Абдухакимович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Акилов Хабибулла Атауллаевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Курбаниязов Зафар Бабаджанович
тиббиёт фанлари доктори

Лигай Руслан Ефимович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **И.И. Джанелидзе номидаги Тез ёрдам илмий-текширув институти (Россия, Санкт-Петербург)**

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100115 Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Хаджибаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.Э. Анваров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

Б.К. Алтиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда замонавий ташхислаш технологияларини жорий этилиш ва янги дори воситаларини қўлланилишига қарамадан қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан (К ва М ВКВ) қон кетиш “портал гипертензияли (ПГ) беморларда деярли 33% гача ҳолатларда учраб турибди ва энг хавфли асорати сифатида 14,5 – 90 % ўлим сабаби бўлиб қолмоқда»¹. Бу эса ўз вақтида, алкоғолни суистеъмол қилиш, доривор препаратларни назоратсиз равишда қўллашни кўпайиши, вирусли гепатит билан касалланишни ортиши, ЖЦ билан касалланишни кўпайиши билан қўшилиб боради. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда бир қатор худудларда, жумладан Марказий Осиёда, 20-25 ёшгача шахсларда ЖЦ, ПГ ва қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларга нисбатан мойиллик кузатилмоқда. Ушбу юқоридаги кўрсаткичлар бугунги кунда касаллик асоратлари ривожланишининг олдини олишга қаратилган даволаш-профилактика тизимини яратиш алоҳида аҳамиятни касб этмоқда.

Жаҳонда цирротик генезли портал гипертензия ва асоратларни ягона радикал даволаш усули жигарни трансплантацияси ҳисобланади. Бироқ, бугунги кунга келиб дунёда аҳолининг ушбу тиббий ёрдамга эҳтиёжи трансплантологик хизматнинг реал имкониятларига нисбатдан анча юқори бўлиб қолмоқда. Ушбу ҳолатларда, қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларни даволаш ва профилактика борасида айрим паллиатив технологиялар ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Булар - консерватив, эндоскопик, эндоваскуляр, ҳамда 200 дан ортик хирургик усуллардир, уларнинг кетма-кетлигини асосланган равишда белгилаш, ўлим ҳолатларига олиб келувчи хавфли асоратларининг олдини олишга қаратилган даволаш алгоритмларини такомиллаштириш бу йўналишдаги тадқиқотларнинг асосини ташкил қилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш системасини такомиллаштириш учун, хусусан ҳар хил хирургик касалликларни диагностика, даволаш ва профилактикаси борасида муҳим эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалари юклатилган.. Шундан келиб чиққан ҳолда, қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда диагностика ва даволашни

¹Котив Б.Н., Дзидзава И.И., Солдатов С.А. Результаты селективного и парциального портокавального шунтирования и прогностические факторы долгосрочной выживаемости больных циррозом печени // Анн. хир. гепатол. - 2015. - № 2. - С. 46–58.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдам фолляти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларини ҳавфсиз ва самарали тўхтатиш ва уларни олдини олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан New Jersey Medical School, Medical University of South Carolina, California Pacific Medical Center, (АҚШ), Nippon Medical School (Япония), Cairo University (Миср), Б.В. Петровский номидаги Россия хирургия илмий маркази, Universidad de La Frontera (Чили), University College London (Буюк Британия), Hanyang University, Daegu Catholic University School of Medicine (Корея); Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Қизилўнғач варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларда ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: ёши катта ва жигарнинг функцияси паст бўлган беморларда қизилўнғач варикоз кенгайган веналаридан қон кетишида ўлим даражасининг юқорилиги исботланган (California Pacific Medical Center, АҚШ); қизилўнғач варикоз кенгайган веналари ва улардан қон кетишни башорат қилишда ноинвазив маркерлар аниқланган (Medical University of South Carolina, АҚШ); ҳар хил модификациядаги эндоскопик гемоклипслар ишлаб чиқарилган (Hanyang

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи:

www.uni-heidelberg.de, www.univ-agadez.edu.ne, www.umb.edu.pl, www.ucl.ac.uk, www.ninds.nih.gov, www.utoronto.ca, www.aub.edu.lb, www.medline.ru, www.medscape.com/ophthalmology, visionscience.com, www.retina.org/retina, elibrary.ru, medlib.ws, www.medlit.ru, www.rmj.ru, mntk.ru, www.opthal.org, www.retinajournal.com, www.bjophthalmol.com, www.eyeworld.org, www.aoj.org, www.djo.harvard.edu, webofscience.com, pubmed.com, www.dissercat.com, www.elsevier.com.

University, Корея); эндоскопик гемостаз усуллари (California Pacific Medical Center, АКШ), трансъюгуляр жигаричи портосистемли шунтлаш (TIPS) (University College London, Буюк Британия), қонаётган қон томирни ретроград трансвеноз баллонли окклюзия орқали облитерация қилиш (Daegu Catholic University School of Medicine, Корея), ушбу патологияда хирургик портокавал шунтлаш (акад. В.Вахидов номидаги хирургия РИАТМ) ва вазоактив препаратларни куллаш (Nippon Medical School, Япония), шу жумладан тўқима клейи билан эндоскопик инъекцион склеротерапия (Universidad de La Frontera, Чили) каби муолажалар самарадорлиги баҳоланган.

Дунёда қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларда ташхислаш ва даволаш такомиллаштиришни илмий асослаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: гастроэзофагеал қон кетишларини ҳавфсиз ва самарали тўхтатиш; кейинги даврда қайта қонаш эҳтимолини башоратлаш ва уларни олдини олиш; беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш асоратларни ташхислаш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва уларни профилактикасини жорий этиш; жигар циррозининг ҳаёт учун хавф тўғдирувчи ушбу асоратларда янги фармакологик, эндоскопик ва радиологик интервенцион аралашувларни тадбиқ этиш.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларнинг кўплаб тадқиқотлари натижасида, муҳокама этилаётган патологиянинг формаси (портал гипертензия ва жигар циррози билан беморларда қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш) юқори суръатда кўп учраши (тахминан ПГ синдроми билан 33% пациентларда) (de Franchis R., 2015) билан характерланади. Портал генезли қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш хавфи билан ҳар бир пациент, ёхуд анамнезида шунга ўхшаш қон кетиш ўтказган ёки қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан ларидан яқиндагина қон кетиш бўлиб ўтган/давом этаётган қон кетиш билан тиббий ёрдам учун мурожат этганда улар автоматик тарзда летал оқибатга олиб келувчи хавф гуруҳига киради, буларнинг барчасини сабаби ўткир қон йўқотиш ёки жигарнинг ўткир етишмовчилиги ҳисобланади (Marusic M., 2018). Кўриб чиқиладиган категориядаги беморларни радикал даволаш ҳозирги вақтда фақатгина жигарни ортотопик трансплантация қилиш орқалигина даволаш имконияти мавжуд (Готьё С.В., 2019). Бинобарин, паллиатив даволаш жигар трансплантацияси учун «кўприк» бўлиб қолади, уни биринчидан, варикоз томирларни йўқ қилишга, иккинчидан, портал тизимини декомпрессиялашга йўналтириш мумкин (Шерцингер А.Г. ҳаммуаллифлар билан, 2018).

Ўзбекистонда ҳам жигар циррози ва портал гипертензия билан беморларни даволашнинг бир қатор муаммолари фаол равишда ўрганилмоқда (Назыров Ф.Г. ва б. 2017; Хаджибаев А.М. ва б. 2018; Баймаков С.Р. ва б. 2020). Бунда муаллифлар томонидан қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларда комплекс

даволашнинг уч босқичи тавофут қилинган: булар бирламчи профилактика босқичи, фаол қон кетишда оператив аралашув ва қон кетишининг биринчи эпизодини тўхтатгандан кейин иккиламчи профилактика мақсадида бажариладиган даволаш тадбирларидир. Бирламчи ва иккиламчи профилактиканинг асосий мақсади - варикоз кенгайган веналардан қон кетишни бартараф қилиш. Шундай бўлсада, варикоз кенгайган веналардан қон кетиш – бу қон тўхтатишни зудлик билан талаб этадиган аралашув ва узоқ муддатли турғун гемостазга эришишни талаб қиладиган шошилишч тиббий ёрдамдир. Ҳозирги вақтда ўтказиладиган тадқиқотларда асосий урғу цирроз ва портал гипертензия патофизиологиясини ўрганишга қаратилган бўлиб, бундан мақсад қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан ҳосил бўлишини тугал сабабини аниқлашдан иборат. Оммабоп даволаш усулларининг имкониятлари ҳозирги вақтда фаол равишда ўрганилмоқда ва муҳокама қилинмоқда, уларнинг самарадорлиги ҳар бир клиник босқичда қиёсий тарзда ўрганилиб, касалликни профилактикаси ва қон кетишни тўхтатувчи дори дармонларга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий билимларини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, жумладан Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази ПЗ-090921394 «Гепатобилиар трактининг шошилишч хирургиясида хирургик тактикани такомиллаштириш ва янги реконструктив аралашувларни ишлаб чиқиш» (2014-2018 йй) амалий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жигар циррози билан беморларда қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қайта қон кетишнинг даволаш натижаларини яхшилаш ва профилактикасида эндоскопик текширишлар техникасини бажариш ва эндоскопик гемостаз усулларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан асоратланган вирус этиологияли жигар циррозида танланган гуруҳдаги беморларда Ўзбекистонда ҳозирги кунда ҳар хил турдаги вирусли гепатитнинг тарқалганлигини акс эттирувчи касалликнинг этиологик структурасини баҳолаш;

қон кетишини тўхтатишга йўналтирилган аралашувнинг хавфсиз ҳажми ва характерини аниқлаш мақсадида қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан асоратланган жигар циррозининг клиник кечишини аниқлаш, беморлар ҳолати оғирлиги ва ўткир қон йўқотиш фонида жигар етишмовчилигининг ривожланиш даражасини аниқлаш;

жигар циррози билан беморларда қизилўнғач-меъдадан қон кетишининг ривожланиш хавфи ва қизилўнғач кенгайган веналари даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги баҳолаш, қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган

веналаридан қон кетишларда қон кетиш манбаининг энг кўп учрайдиган жойини аниқлаш;

қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларда эндоскопик гемостазнинг такомиллаш-тирилган усулларини ишлаб чиқиш, уларни яқин ва узоқ муддатларда самарадорлигини баҳолаш;

MOS SF-36 саволномасини қўллаш орқали қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан билан беморларда қон кетиш вақти, гемостазни ҳар хил усуллари қўлланилган эрта ва узоқ муддатларда турмуш даражаси сифатини баҳолаш;

Ўзбекистон шошилинич тиббий ёрдам системасида қизилўнғачнинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш пайти шошилинич тиббий ёрдамни ташкиллаштиришни таҳлил қилиш; меъда-ичакдан қон кетиш билан, жумладан мамлакат регионларида қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларда беморларга шошилинич хирургик ва эндоскопик ёрдам кўрсатиш бўйича Ўзбекистон Республикасида ШТЁХ ташкилий структурасини ўзига хослигини географик жиҳатдан оммабоплигини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикасининг ШТЁХ шошилинич тиббий ёрдам хизмати маълумотлари бўйича меъда-ичакдан қон кетишнинг умумий структурасида қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларининг эпидемиологияси, унинг ШТЁХ ташкил этилган буён 20 йиллик даврида динамикасини баҳолаш;

қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларни комплекс даволашда эндоскопик гемостаз усулларини Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиалларида клиник амалиётга тадбиқ этиш жараёнларини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикасининг шошилинич тиббий ёрдам хизмати ШТЁХ регионал субфилиаллари кесимида қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан беморларга юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ташкиллаштириш ва кўрсатишдаги муаммоларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2018 йилларда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали ва Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказида стационар равишда қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан даволанган 438 нафар бемор ва қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази, унинг 13 филиали ва 180 туман субфилиалларига (туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг шошилинич тиббий ёрдам бўлимлари) ётқизилган 29527 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишни эндоскопик ва хирургик тўхтатувчи усулларининг натижалари, шунингдек эндоскопик ва/ёки хирургик гемостазлардан кейинги

эрта ва узоқ даврларда пациентларнинг ҳаёт сифати баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, эндоскопик, ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вирусли жигар циррози фонида қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан асоратланган гуруҳдаги танлаб олинган беморларда ушбу касалликнинг этиопатогенези асосланган;

қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан асоратланган жигар циррози клиник кечишининг ўзига хослиги, ўткир қон кетиш фонида жигар етишмовчилигини миниинвазив эндоскопик гемостаз усуллари учун кўрсатмаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

жигар циррози билан беморларда қизилўнгач веналарининг кенгайганлик даражаси ва қизилўнгач намеъда томирларидан қон кетишининг хавфи ўртасида ўзаро корелятив боғлиқлик мавжудлиги кўрсатиб берилган, хавфли асоратлар ривожланишини объектив курсаткичлари асосланган;

илк маротаба қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан асоратланган жигар циррози булган беморларда MOS SF-36 сўровномаси асосида беморларнинг ҳолати ҳамда қўлланилаётган гемостаз усуллари самарадорлиги баҳоланган;

қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларда утказилган такомиллаштирилган эндоскопик гемостаз усулининг хавфсизлиги ва самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш амалиётида қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларида эндоскопик гемостаз усуллари самарадорлигини оширишга йўналтирилган модификациялаштирилган зонд-обтуратор, интравазал склеротерапияни бажариш учун тиник полипропиленли инъектор ва модификациялаштирилган спиралсимон пневмобаллонли стент муаллифлик мослама модификацияси таклиф этилган;

умумий соғлиқни сақлаш сўровномасининг (MOS SF-36) қисқа шакли миқдорий кўрсаткичларини автоматлаштирилган ҳисоблаш учун мўлжалланган «Қон кетиши билан асоратланган портал гипертензияда беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш» компьютер дастури ишлаб чиқарилган;

қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишлари билан пациентларда даволаш чора-тадбирлари бошлангунча, шунингдек режали равишда бажарилган эндоскопик даволаш ва М.Д. Пациора усули бўйича хирургик аралашувлардан кейинги эрта ва узоқ даврларда ҳаёт сифатини акс эттирувчи (MOS SF-36) кўрсаткичларининг аҳамияти аниқланган;

эндоскопик боғлаш ва/ёки склеротерапия (шошилиш ёки режали) М.Д. Пациора операцияларига нисбатан қайта қон кетиш хавфини камайтириши

ҳисобига пациентларда ҳаёт сифатини бирмунча юқори поғонага кўтариши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларни диагностик ва даволаш тактикасининг ўзига хослиги ва ташхислаш натижалари ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти портал гипертензия ва қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиши билан асоратланган вирусли жигар циррозининг этиологик структураси, касалликнинг геморрагик асоратлар хавфи ривожланиши ҳақида, портал генезли қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан давом этувчи ва/ёки қон кетиб тўхтаган беморларда ахволи оғирлашиши бошлангунидан даволаш бошлангунига қадар бўлган босқичда ҳаёт сифати даражаси тўғрисидаги маълумотларни батафсил текшириш, стационардаги ўлим ва қизилўнгач-меъдадан қон кетишлардан кейин беморларда 3-йиллик яшаш даражаси тўғрисидаги маълумотлар ҳақидаги ҳозирги замон тасавурларни кенгайтирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Соғлиқни сақлаш амалиёти учун қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларида эндоскопик гемостаз усулларини техник жиҳатдан такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор комплекс таклифлар берилган. Ушбу категориядаги беморларда ҳаёт сифатини комплекс баҳолаш ва мониторинг олиб бориш борасида «Портал гипертензияда қон кетиш билан асоратланган беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш» MOS SF-36 сўровномаси бўйича ҳалқаро ҳаёт сифатини баҳоловчи шкала асосида мезонларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларни диагностикаси ва даволаш натижаларини яхшилашни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларида оптимал даволаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Қон кетиш билан асоратланган портал гипертензияни даволаш ва профилактикаси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йилги 9 октябрдаги №8н-р/415-сон маълумотномаси). Натижада жигар циррози билан хасталанган беморларда гастрозофагеал қон кетишларининг эрта ташхислаш сифатини

яхшилаш, даволаш жараёнида ихтисослашган юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатишни сезиларли даражада кенгайтирилиши касаллик асоратлари камайишига ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш диагностикаси ва даволашни яхшилаш бўйича илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Зомин ва Шахрисабз субфилиалларининг хирургик ва реанимацион бўлимларида ишлатилмоқда (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 07 июндаги №8н-з/178-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни клиник амалиётга тадбиқ этилиши қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишида бирламчи гемостаз самарадорлигини 75,0% дан 96,3% гача ошириш, 3 йил ичида қайта қон кетиш эҳтимолини 36,9% дан 9,9% гача пасайтириш, 3 йил ичидаги ўлимни 11,9% дан 3,1% гача камайитириш ва, ҳаёт сифатини етарли даражада тез тикланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 16 та мақола, улардан 5 та республика ва 11 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 186 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Портал генезли қизилўнғач-меъдадан қон кетишлар: муаммонинг ҳозирги замон ҳолати**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар бўйича маълумотлар умумлаштирилган. Ушбу боб 5 та кичик боблардан иборат бўлиб, уларда жигар циррози билан беморларда қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларни

диагностикаси ва даволашдаги муаммоларнинг ҳозирги замон ҳолати ҳақида маълумотлар келтирилган. Умумлаштирилган маълумотларда, жигар циррозининг ҳаёт учун тўғридан тўғри хавф солувчи ушбу асоратининг ривожланиш суръати хавфли даражада юқорилиги ва касалликни ривожланиб бориши сайин ўсиб бориши кўсатиб ўтилган: жигар циррозининг компенсация босқичида 30-40% пациентларда, декомпенсация босқичида – тахминан 60%, дарвоза венаси системасида гидростатик босимни 200 мм сув. уст.дан ортиқ кўтарилишида–75% дан ортиқ беморларда қон кетиш кузатилади. Бугунки кунда жигар циррозини радикал даволашни фақатгина ортотопик трансплантация орқалигина амалга ошириш мумкин, шунинг учун паллиатив даволаш жигар трансплантацияси учун «кўприк» бўлиб келмоқда, бу биринчи навбатда варикоз кенгайган веналарни бартараф қилишга, иккинчидан – портал системани декомпрессия қилишга қаратилган. Паллиатив даволашнинг кенг рўйхатидаги чора-тадбирларда эндоскопик боғлаш ва склеротерапия қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларда гемостазга эришишда энг самарали технологик ютуқ, ҳамда портал гипертензиянинг бирламчи ва иккиламчи геморрагик асоратларининг профилактикаси ҳисобланади. Ўтказилган даволаш тадбирларидан кейинги босқичда паллиатив даволаш самарадорлигининг муҳим критерияларидан бири пациентнинг ҳаёт сифати ҳисобланади.


Диссертациянинг «**Клиник материалнинг характеристикаси ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишларда қўлланган такомиллаштирилган эндоскопик усуллардан сўнги эрта ва узоқ даврлардаги натижаларни баҳолашга йўналтирилган тадқиқот дизайни ёритилган. Тадқиқотга жигар циррозининг юқорида қайд этилган асоратлари билан 22 ёшдан 50 ёшгача бўлган 438 бемор киритилган. Эркақлар 341 (77,9%), аёллар – 97 та (22,1%) бўлган. Ушбу тадқиқотга киритилган беморлар шифохонага ётқизилган пайти қон кетишнинг фаоллиги ва ўтказилган даволаш тактикасига боғлиқ ҳолда 3 гуруҳга бўлинган (1 расм). 1-чи гуруҳга (n=162) қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан фаол давом этувчи қон кетиш билан пациентлар киритилган (2а ва 2б расмлар).

Ушбу пациентларда қон кетишни тўхтатиш мақсадида муаммоли веналарга пара ва/ёки интравазал склерозант қилинган, қонаётган стволда иккитадан олтигача эндоскопик усулда боғлаш ва/ёки склеротерапия қўлланилган. 2-чи гуруҳга 100 бемор киритилган бўлиб, уларда диагностик ЭГДС пайти қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиб тўхтаганлиги аниқланган (2в расм). Ушбу пациентларда қайта қон кетишни олдини олиш мақсадида профилактик даволаш ўтказдик, булар муаммоли веналарда профилактик эндоскопик боғлаш ва/ёки профилактик склеротерапиядир. 3-чи гуруҳдаги (n=176) беморларда шифохонага ётқизиш пайти қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан фаол давом этувчи қон кетиш билан пациентлар киритилган бўлиб, уларда даволаш чора-

тадбирлари қонаётган соҳани обтурация қилиш мақсадида Сенгстакен-Блэкмор зонд-обтураторини (ушбу процедурани давомийлиги 24 соатдан ошмаган) ўрнатишдан бошладик.



1 расм. Тадқиқот дизайни.



2 расм. Қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишнинг эндоскопик кўриниши:

а, б – актив қон кетиш; в – қон кетиб тўтагандан кейинги ҳолат (стрелка орқали тромб билан ёпилган перфорант тешик кўрсатилган).

Кейин лапаротомия орқали гастротомия қилиниб меъданинг кардиал қисми ва кардиоэзофагеал ўтиш зонасидаги варикоз кенгайган веналарини шахмат кўринишида тикиш (М.Д. Пациора усули бўйича азиго-портал ажратиш операцияси) амалга оширилди.

Пациентларнинг жинси ва ёшини ҳисобга олган ҳолда, демак 20-25, 26-30, 31-40, 41-45 ва 46-50 ёшли категориядаги эркаклар ва аёллар учун алоҳида J.E. Ware ва ҳаммуаллиф. (2000) томонидан ишлаб чиқилган ва «Medical Outcomes Study – Short Form-36» деб ном олган MOS нинг қисқа формаси (Outcomes Study, соғлиқни умумий сўровномаси) бўйича ҳаёт сифати (ХС) таҳлил қилинди. Сўровнома ўтказиш барча гуруҳларда аралашувнинг 5-чи суткасида, кейин ундан 3 ва 6 ойдан сўнг, кейинчалик эса – кузатувнинг биринчи, иккинчи ва учинчи йил босқичларида амалга оширилди. Беморларда ХС даражаси тўғрисидаги маълумотлар ретроспектив равишда шифохонага ётқизилган пайтдаги соғлигининг ҳолатини баҳолашга рози бўлган беморларда шифохонадан жавоб берилгунга қадар олинган. Олинган маълумотлар ўзаро таққосланди, шунингдек, сўровномада жавоб беришда ихтиёрий равишда рози бўлган амалда соғлом одамларда (n=146) ўхшаш ўлчовлар натижаларининг ўзаро нисбати аниқланди.

2001 йилдан 2020 йилгача бўлган 20 йил давомида Ўзбекистон Республикасининг шошилиш тиббий ёрдам тизим қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан беморларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини баҳолаш мақсадида стационар бўлинмаларида ҳисобот шакллари, 703649 пациентларнинг стационардан чиқарилганлиги ҳақидаги статистик карталари (ф. N 066/у), шунингдек қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази, шунингдек унинг 13 филиали ва 180 туман субфилиалларига (ТТБ/ШТБ шошилиш тиббий ёрдам бўлимлари) ётқизилган 29527 беморлар ўрганилди. ШТЭХ стационар муассасаларида эндоскопик хизмат ҳолатини баҳолаш Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази хирургия ва эндоскопия бўлимлари мудирлари, унинг вилоят филиаллари ва ТТБ/ШТБ шошилиш тиббий ёрдам бўлимларининг мудирлари томонидан анкета сўрови орқали бажарилди.

Диссертациянинг «**Қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан актив қон кетиш ва қон кетиб тўтагандан кейинги ҳолат клиник картинасининг ўзига хослиги**» деб номланган учинчи бобида қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан давом этаётган қон кетиш билан 60,5% бемор ва қон кетиб тўхтаган 50,0% пациентлар клиникага оғир ва ўта оғир ҳолатларда ётқизилган, ўртача 42% беморларда геморрагик шок диагнози аниқланиб, бу ўз навбатида сезиларли даражада травматик типик очиқ аралашув пайти салбий оқибатлар хавфини ошириб ва ушбу беморларда фаолроқ равишда гемостазнинг миниинвазив усулларини қўллашни талаб этиш ҳолатлари келтирилган. Ушбу категориядаги беморларда қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан актив қон кетиш пайти оғир постгеморрагик анемия билан гемоглобин миқдорини

62,06±17,44 г/л гача ва қон кетиб тўхагандан кейинги ҳолатда 56,08±19,03 г/л гача тушиши ҳолатни янада оғирлаштирган. Актив қон кетиш билан беморлар учун оғир гемодинамик бузилишлар картинаси анча характерли бўлиб, шокнинг Альговер-Берри индекси миқдори ҳам анча юқори рақамларда ва қон йўқотиш икки баравардан юқори бўлган (1 жадвал).

Тадқиқотга киритилган барча беморларнинг анамнезида биз уларни вирусли гепатит билан касалланганлигини, уларнинг таркибида гепатит В мутлақо устунлиги бўлган (94,1%), шу жумладан беморларнинг 82,2% изоляция қилинган шаклда, 11,9% да – вирусли гепатитнинг бошқа штамплари (НСV, HDV и HAV) билан биргаликда қўшилиб келганлигини аниқладик. Қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан пациентларда вирусли гепатит С изоляция қилинган шакли фақатгина 5,9%, яна 8,9% пациентларда вируснинг ушбу штампи В штампи билан қўшилиб келганлиги, бир вақтнинг ўзида В ва D типлари билан (0,7%) ва А ва В типлари билан эса (0,5%) ҳолатларда аниқланган.

1 жадвал.

Қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан актив қон кетиш билан беморларда гемодинамика, йўқотилган қон ҳажми, Альговер-Берри шок индекси, n=438

Кўрсаткич	Давом этувчи қон кетиш	Қон кетиб тўхагандан кейинги ҳолат
АД _{сис} , мм сим.уст.	90,00±9,07	110,38±10,55
АД _{диас} , мм сим.уст.	58,65±8,86	73,39±10,37
Рs, марта/мин	98,29±8,61	90,72±8,09
ШИА, ЕД	1,10±0,09	0,83±0,11
Қон йўқотиш, мл	1072,62±183,9	544,15±227,54


67,8% беморларда давом этувчи қон кетиш билан ва 57,0% пациентларда қон кетиб тўхагандан кейинги ҳолатларда қорин бўшлиғида асцитик суюқликнинг мавжудлиги аниқланган.

Фақат 15,7% давом этадиган қон кетиш билан пациентлар ва 20% дан камроқ қон кетиб тўхтаган беморлар клиникага жигар циррозининг компенсация босқичида (Чайлд-Пью бўйича А синф) ётқизилган, қолган В (55,0 ва 70,0%) ва С синф (14,2 ва 10%) пациентларида қон кетиши мавжуд жигар етишмовчилиги фониде асоратланган.

Жигар циррози мавжуд беморларда қизилўнгач-меъдадан қон кетиш хавфининг ривожланиши веналарда варикоз кенгайишнинг даражаси билан тўғридан тўғри боғлиқлиги мавжуд. Демак, пациентларнинг 2/3 (69,5%) кўпроғида актив қон кетиш билан ушбу асорат қизилўнгачнинг III даражали варикоз кенгайган веналари фониде вужудга келади, қон кетиб тўхтаган беморларда эса варикознинг бунақа даражадаги 61,0% ҳолатларда аниқланади. Қизилўнгач веналарининг II ва I даражали кенгайиши фақатгина 26,3% ҳолатда ва мос равишда 4,1% ҳолатда актив қон кетиш билан беморларда аниқланади. 39% ҳолатларда қон кетиши тўхтаган беморларда веналарнинг I

даражали кенгайиши бўлмаган беморларда II даражали деб ҳисобланган (3 расм).

Меъданинг кардиал қисмидаги ВКВ аксарият ҳолларда қон кетиш манбаи ҳисобланиб, ушбу ҳолат 62,4% актив қон кетиш мавжуд бўлган беморларда ва қон кетиб тўхтаган 55% пациентларда қайд этилди. Ундан кейин учраш суръати бўйича қизилўнгачнинг пастки 1/3 қисми (25,4 ва 37,0%), кардиоэзофагеал ўтиш зонаси (9,8 ва 3,0%) ва қизилўнгачнинг ўрта 1/3 қисмига (2,4 ва 3,0%) тўғри келади.




3 расм. Қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан оғирлик даражаси, n=438.

Диссертациянинг «Қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишда даволаш эндоскопиясини бажариш техникасини такомиллаштириш» деб номланган туртинчи бобда такомиллаштирилган инструментал гемостаз усулини муаллифлик модификацияси келтирилган, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:


- эндоскопнинг биопсия учун канали орқали ўрнатиладиган модификациялаштирилган зонд-обтураторни қўллаш (№ FAP 00575 фойдали моделга патент), бу визуал назорат орқали варикоз венанинг дефекти устидан пневмобаллонни ўрнатиб у мақсадли равишда шиширилади ва ўзи эндоскопик гемостазни ВКВ боғлаш ёки склеротерапия ўтказиш учун шароит яратади;
- интравазал склеротерапия бажариш учун тиниқ полипропилен инъекторни қўллаш манипуляцияни адекват ўтказиш ва қизилўнгачни перфорация қилишдан сақлайди (СамДМИ 1707 сонли 10.02.2009 йилги рационализаторлик таклифи гувоҳномаси);
- эндоскопнинг биопсия учун канали орқали ўрнатиладиган пневмобаллон билан спиралсимон стенддан (№ FAP 00465 фойдали моделга патент) фойдаланиш, бу спирал ўртасида қон кетиш манбаси бўлган варикоз вена дефектини пастки ва юқори қисмларини циркуляр равишда спиралнинг бурамалари орасида қисиб локализациялашга ва оптимал эндоскопик гемостаз ўтказиш учун имкон яратади.

- пневмобаллон билан модификациялаштирилган спиралсимон стентни қўллаш бир қатор афзалликларга эга (4 расм):
- ушбу усул техник бажарилиши жиҳатдан етарли даражада оддий.
- стентни қизилўнгач ичида туриши амалий жиҳатдан деярли сезилмайди ва оғриқсиз.
 - Эндоскопни бир маротаба киритиш орқали стент қизилўнгачга ўрнатилади, қонаётган вена қисилади, ундан сўнг эндоскопик боғлаш ва/ёки ВКВ стент бурамалари орасидан склерозант инъекция қилинади. Шиширилган пневмобаллонни қўллаш гастроэзофагеал веноз коллекторни ёпишга имкон беради, шу билан қизилўнгачнинг шикастланган венасидаги кучланиш ва босим градиентини сезиларли даражада камайтиради ҳамда бир вақтнинг ўзида меъда кардияси ва қизилўнгачнинг ВКВ дефектларидан қон кетганда турғун назоратли гемостазни амалга ошириш имконини беради.




4 расм. Қизилўнгачни модификациялаштирилган спиралсимон стенти пневмобаллон билан (№ FAP 00465 фойдали моделга патент).

Диссертациянинг «Қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан актив қон кетиш ва қон кетиб тўхтагандан кейинги ҳолатларда анъанавий, эндоскопик ва хирургик даволаш натижаларини қиёсий таҳлили» деб номланган бешинчичи бобида уччала гуруҳ беморларида комплекс даволаш натижаларини баҳолашга бағишланган. Бирламчи барқарор гемостазга эришиш нуқтаи назаридан қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан актив қон кетишида эндоскопик технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги обтуратор зонд ёрдамида 75,0% нисбатан 96,3% ни ташкил этади ($p < 0,01$). Бундан ташқари, эндоскопик мониторинг ва эндоскопик техника такрорий қон кетиш манбасини ўз вақтида аниқлашга ва эндоскопик боғлаш ва/ёки склеротерапияни такрорий қўллаш орқали муваффақиятли якуний гемостазни амалга оширишга имкон беради. Кейинчалик 3 йиллик кузатув давомида гемостазни эндоскопик усуллари қўлланилгандан кейин қизилўнгач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан рецидив қон кетиш 9,9% пациентларда кузатилди, қачонким баллонли тампонада ва М.Д. Пациора операциясидан кейин ушбу кўрсаткич 36,9% ташкил этди ($p < 0,001$) (5 расм).



5 расм. Қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан давом этувчи қон кетишда бирламчи гемостазнинг самарадорлиги.

1 ва 3 гуруҳдаги 3 йиллик ўлим кўрсаткичлари мос равишда 3,1 ва 11,9% ташкил қилади. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, белгиланган кузатув даврида гемостазнинг эндоскопик усуллари қўлланилгандан сўнг, қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан ўлимга олиб келадиган қон кетишнинг битта ҳам ҳолатини қайд этмадик, қачонким 3 гуруҳдаги 21 вафот этган беморларнинг 3 таси (14,3%) такрорий қон кетиш ҳисобига вафот этди (6 расм).



6 расм. Қиёсий гуруҳлардаги 3 йиллик ўлим кўрсаткичи.

Қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиб тўхтагач беморларда профилактик эндоскопик гемостаз ўтказилгандан кейин шифохонада қон кетишнинг қайталаниши кузатилмади, бу шубҳасиз равишда биз томонимиздан қўлланиладиган такомиллаштирилган эндоскопик гемостаз усулини етарли даражада ишончли эканлигини кўрсатди.

3,5-4 йиллик кузатув мобайнида 3 (3,0%) пациент жигар етишмовчилигининг кучайиши фонида вафот этди (6 расм). Шундай қилиб, эндоскопик усуллар билан муваффақиятли гемостаздан сўнг қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан актив ва қон кетиб тўхтаган беморларни 3-4 йиллик кузатув даврида ўлим кўрсаткичи 3-3,1% ошмади, қачонким ушбу категориядаги беморларни анъанавий тарзда даволашни олиб бориш жараёнида қайд этилган даврда ўлим 11,95% ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетишда гемостазнинг турли усуллари қўлланилгандан кейинги яқин ва узоқ вақт давомида пациентларнинг ҳаёт сифати» деб номланган олтинчи бобида операциядан кейинги дастлабки/пост-процедур даврда, 3 ва 6 ойдан кейин, даволашдан сўнг 1, 2 ва 3 йил ўтгач беморлар сўровномасининг натижалари келтирилган.

Қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиши жигар циррози билан беморларда барча ҳисобланган ҲС кўрсаткичларини, шу жумладан жисмоний ишлаш имкониятларининг деярли тўрт баробарга (РҒ шкаласи), психо-эмоционал ҳолатни ифодалаган руҳий сиқилиши ва ҳаётий фаоллигининг пасайиши билан характерланади (2 жадвал).

Эндоскопик боғлаш ва/ёки склеротерапия қўлланилган беморларда ҳаёт сифатининг кўрсаткичлари оператив даволаш ўтказган пациентларнинг жинси, ёши ва уч йиллик кузатувнинг қанча вақти ўтганлигидан қатъий назар статистик жиҳатдан анча юқори.


2 жадвал.

Қизилўнғач ва меъданинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш билан ҳаёт сифатини бошланғич кўрсаткичлари


SF-36 шкаласи	Соғломлар	Давом этувчи қон кетиш	Қон кетиб тўхайдан кейинги ҳолат
РҒ	94,51±5,71	27,47±6,50	28,40±14,03
РР	93,95±10,90	22,69±5,96	23,00±16,92
ВР	96,46±5,81	26,02±6,68	25,96±12,08
ГН	91,93±8,96	28,43±6,00	29,20±16,62
ВТ	86,97±12,66	23,94±5,69	23,60±19,40
SF	89,64±9,81	27,20±8,18	27,58±16,31
RE	81,86±16,87	44,54±10,66	45,69±36,71
МН	89,66±11,45	26,05±5,50	26,04±14,99

Эндоскопик гемостаз қўлланилгандан кейин беморларнинг ҳаёт сифати динамикасининг ўзига хослиги дастлабки 3-4 кун ичида SF-36 ҳисобланган кўрсаткичларини тикланиш тенденциясини пайдо бўлиши, уларнинг учинчи ойнинг охирига келиб нормал ҳолга келиши, ҲС даражасини амалий жиҳатдан соғлом кишиларга таққосланадиган даражада биринчи йил мониторинги охиригача ушланиб туриши, кейинчалик эса кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилади (7 расм).


Қайд этилган ўзгаришларнинг ривожланганлиги тадқиқот иштирокчиларининг жинсига боғлиқ бўлмади, аммо, эндоскопик текширувдан 2 ва 3 йил ўтгач SF-36 параметрларининг аҳамияти ва ёш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжуд эди: энг яхши натижалар 31-40- ва 41-45 ёшли беморлар, энг ёмони – 22-25, 26-30 ва 46-50 ёшдаги беморларда қайд этилди.



Кучли қон кетиш пайтидаги эндоскопик гемостаз



Блекмор зонди/ Пациори операцияси



Профилактик эндоскопик гемостаз (бўлиб ўтган қон кетишда)

7 расм. Таққосланадиган гуруҳ пациентларида ҳаёт сифатининг динамикаси.

